

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

	Млрд. сўм	2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	5439,5	110,8
Саноат маҳсулоти	5650,9	130,1
“Уз Автосаноат”АК тизимидан ташқари	3261,3	109,2
Истеъмол товарлари	3831,2	138,4
“Уз Автосаноат”АК тизимидан ташқари	1972,8	104,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2582,6	105,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1001,4	89,1
Қурилиш ишлари	878,7	106,2
Юк айланмаси млн. тн-км	1094,2	105,8
Йўловчи айланмаси млн. йўловчи-км	2212,4	103,1
Чакана товар айланмаси	3885,4	108,5
Хизматлар, жами	2899,4	111,5
Ташқи савдо айланмаси млн. АҚШ долл.	694,7	144,9
Экспорт	168,5	147,8
Импорт	526,2	144

Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш


Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯХМ) ҳажми 5439,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 110,8 фоизни ташкил қилди.

2017 йил январь-июнь ойларида ЯХМ дефлятор индекси 111,8 фоизни ташкил қилди.

Январь-июнь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм		2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил	2017 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	4390,7	5439,5	110,8
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	4192,0	5204,5	110,6
Маҳсулотларга соф солиқлар	198,7	235,0	116,3
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	4192,0	5204,5	110,6
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	678,0	817,2	105,6
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1183,9	1651,9	120,1
Саноат	847,4	1258,5	125,6
қурилиш	336,5	393,4	106,2
Хизматлар	2330,1	2735,4	107,2
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	503,0	600,7	107,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	577,0	642,7	106,7
бошқа хизматлари	1250,0	1491,9	107,3

2017 йилнинг январь-июнь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):



2017 йилнинг январь-июнь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (107,5 %), қурилиш (106,2%), саноат (125,6%) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (105,6%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 55,2 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йилнинг январь-июнга нисбатан 0,4 фоизли бандга ошди.

2017 йилнинг январь-июнь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 52,5 фоиз (2016 йил январь-июнда 55,6 фоиз)ни ташкил қилди.

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 28639 тани ташкил қилиб, шундан 27299 таси ёки 95,3 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 7943 та (27,7 фоизи), саноат 5554 та (19,4 фоизи), қурилиш 2502 та (8,7 фоизи), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги 2246 та (7,8 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1384 та (4,8 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2017 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	28639	100	27299	100
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2246	7,8	2121	7,8
саноат	5554	19,4	5250	19,2
қурилиш	2502	8,7	2388	8,7
савдо	7943	27,7	7454	27,3
ташиш ва сақлаш	953	3,3	920	3,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1384	4,8	1319	4,8
ахборот ва алоқа	649	2,3	617	2,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	475	1,7	464	1,7
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	6933	24,2	6766	24,8

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 89,8 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 56,2 фоизи масъулияти чекланган жамиятлар, 33,8 фоизи хусусий корхоналар, 0,6 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 9,4 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

2017 йил 1 июль ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида




2017 йилнинг январь-июнь ойларида жами 1618 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 1547 та). Уларнинг асосий қисми Андижон шаҳрида (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (33,1 фоизи), Асака (10,6 фоизи), Шаҳрихон (7,5 фоизи), Андижон (5,3 фоизи), Балиқчи (6,6 фоизи), Олтинкўл (6,0 фоизи) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 24,7 фоизи савдо, 30,0 фоизи саноат ва 8,9 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 765 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 20 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 2,6 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йилнинг январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:



Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2017 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 24274 тани ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-июнь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 55,2 фоизи (2016 йил январь-июнда 54,8 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:


- 1076,1 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 83,7 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 700,1 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 182,5 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;
- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2400,3 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 42,5 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-июнга нисбатан 107,6 фоизни ташкил қилди;
- 2574,0 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 105,8 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,7 фоизи) ташкил қилди;
- 630,5 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 63,0 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-июнга нисбатан 123,4 фоизни ташки қилди;
- 459,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 95,3 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-июнга нисбатан 107,0 фоизни ташки қилди;
- автомобил транспорти юк айланмасининг 105,1 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 91,4 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 106,4 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 91,2 фоизи) кўпайиши таъминланди;
- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 93,2 фоизи ёки 3 620,4 млрд. сўмни 2016 йил январь-июнга нисбатан (ўсиш суръати 107,5 фоиз)ни ташки қилди;
- 98,5 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 58,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 103,0 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 19,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2017 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2574,0	99,7
Саноат	2400,3	42,5
Қурилиш	459,6	95,3
Чакана савдо	3620,4	93,2
Юк ташиш, млн тн.	23,6	93,5
Йўловчи ташиш, млн.киши	210,5	94,2
Экспорт, млн. АҚШ долл.	98,5	97,6
Импорт, млн. АҚШ долл.	103	96,1

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ташқи иқтисодий алоқалар


2017 йилнинг январь-июнь ойлари давомида ташқи савдо айланмаси 694,7 млн. АҚШ долларини, жумладан 168,5 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 526,2 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг сальдоси -357,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-июнь ойларида МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

(млн АҚШ доллари)

	январь-июнь		2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 й.	2017 й.	
Ташқи савдо айланмаси	479,5	694,7	144,9
шу жумладан:			
МДХ давлатлари	154,0	207,2	134,6
бошқа давлатлар	325,5	487,5	149,8
Экспорт	114,0	168,5	147,8
шу жумладан:			
МДХ давлатлари	78,9	125,4	159,0
бошқа давлатлар	35,1	43,1	122,8
Импорт	365,5	526,2	144,0
шу жумладан:			
МДХ давлатлари	75,1	81,0	109,0
бошқа давлатлар	290,4	444,4	153,0

2017 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:




2017 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят экспорт-импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-июнь	2017 йил январь-июнь	2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт таркиби	100	100	147,8
пахта толаси	-	-	-
озик-овқат маҳсулотлари	26,4	12,7	71,1
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	0,6	0,6	153,1
қора ва рангли металллар	0,5	0,2	71,3
машина ва ускуналар	19,7	38,1	2,9 м
хизматлар	1,4	0,9	94,8
Бошқалар	51,4	47,5	136,3

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-июнь	2017 йил январь-июнь	2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Импорт таркиби	100	100	144
озик-овқат маҳсулотлари	5	2,8	82,1
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	9,3	12,2	188
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	0,6	0,5	134,2
кора ва рангли металллар	5,7	8,3	209,3
машина ва ускуналар	69,8	64,3	132,6
хизматлар	5,2	5,5	152
бошқалар	4,4	6,4	209,3

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби:
умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида





2017 йилнинг январь-июнь ойлари давомида вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:



	Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2016 йил январь-июнгга нисбатан фоиз ҳисобида
Корея Республикаси	51	149,2
Россия Федерацияси	16,8	2,7 м.
Хитой	11,1	164,7
Қозоғистон	7	58,8
Қирғизстон	4	119,8
Туркия	2,3	121,7

2017 йилнинг январь-июнь ойларида МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

Экспорт



Импорт



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Энергия ресурслари
- Бошқалар

Саноат

2017 йилнинг январь-июнь ойлари давомида саноат маҳсулоти ҳажми 5650,9 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 130,1 фоизни ташкил этди. “Автосаноат” АК тизимидаги хўжалик юритувчи субъектлардан ташқари маҳсулот ҳажми 3261,3 млрд сўм ташкил қилиб, ўсиш суръати 109,2 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 3831,2 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2016 йилнинг январь-июнь ойларида нисбатан 138,4 фоизни ташкил этди. Жумладан, 762,8 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва ароқ-вино маҳсулотлари ҳамда 3068,4 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2016 йил январь-июнь ойларида нисбатан мос равишда 103,7 фоиз ва 151,0 фоиз) ишлаб чиқарилди. “Автосаноат” АК тизимидаги хўжалик юритувчи субъектларидан ташқари 1972,8 млрд сўм ёки ўсиш суръати 104,9 фоизни ташкил этди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида хўжалик субъектлари томонидан 2017 йилнинг январь-июнь ойларида 703,6 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	5650,9	130,1
I. Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш	43,4	114,7
шу жумладан:		
Нефть- газ қазиб олиш	36,2	116,5
II. Қайта ишлаш саноати	5346,9	130,9
шу жумладан:		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	903,2	110,5

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1340,9	107,2
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	100,7	107,2
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	3,7	111,7
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	146,7	123,5
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	94,2	112,8
Металлургия саноати	114,8	112,7
Электрон ва оптика, электр товарлар ишлаб чиқариш	131,8	114,8
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	2408,7	181,3
Бошқар турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш	102,2	95,8
III. Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	248,2	118,1
IV. Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	12,4	110,9
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	3831,2	138,4
шу жумладан:		
озиқ-овқат товарлари	762,8	103,7
ноозиқ-овқат товарлари	3068,4	151,0

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти
турларини ишлаб чиқариш
(йирик корхоналар бўйича)**

	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-июнь	2016 й январь-июнга нисбатан %
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш			
Нефть	минг.тн	42,5	98,2
Газ	млн.м3	8,2	185,1
Машинасозлик ва металл қайта ишлаш саноат			
Енгил автомобиллар минг.дона 53666 185,8			
Глушителлар	тонна	5109,9	5,4 м
Автомобил учун ўриндиқлар	минг комплект	359,0	2,3 м


	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-июнь	2016 й январь-июнга нисбатан %
Автомобил дисклари	тонна	1223	4,2 м
Шасси қисмлар	тонна	753	12,5 м
Кимё саноати			
Лак-бўёқ материаллар тонна 3386 131,6			
Автомобил банперлари	минг дона	537,3	2,6 м
Электротехника саноати			
Паст кучланишдаги кабель (тонна)	тонна	5223,2	101
Зангламайдиган пўлатдан ясалган тўрлар	тонна	91,8	97,2
Енгил саноат			
Калава ип	тонна	5258	2,7 м
Пахта толаси	тонна	49248	91,4
Пахта момиғи	тонна	2922	116,4
Хўжалик совуни	тонна	2419	108,8
Спорт коптоклари	минг дона	1,1	8,2
Озиқ-овқат саноати			
Ун	тонна	63987	110,2
Нон ва нон маҳсулотлари	тонна	402,3	129,7
Пахта ёғи	тонна	9500	101,2
Макарон маҳсулотлари	тонна	350	140,6
Ароқ	минг литр	1153	74,8
Истеъмол спирти	минг литр	7285	100,3
Узум виноси	минг литр	675,5	124,4

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-июнь ойлари давомида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 2582,6 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 105,6 фоизни, шу жумладан, Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 2543,8 млрд. сўмни (105,7 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 2,3 млрд. сўмни (108,8 фоиз), Балиқчилик хўжаликларида 3,5 млрд. сўмни (82,3 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ҳосил йиғими. 2017 йилнинг январь-июнь ойлари давомида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 518 минг тонна сабзавот (108,5 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2017 йил 1 июль ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 104,4 фоизга (жами 1026,5 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,2 фоизга (338 минг бош), қўй ва эчкилар 104,8 фоизга (1402,4 минг бош), отлар 100,1 фоизни (6450 бош), паррандалар 102,5 фоизга (6710 минг. бошга) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,1 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 95,2 фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 июль ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қуйидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли қорамол	1026,5	104,4
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	39,8	101,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	979,3	104,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	7,4	98,7
улардан сизирлар	337,5	100,1
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	14,8	101,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	320,0	100,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,7	96,4
Куй ва эчкилар	1402,4	104,8
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	50,8	102,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1345,9	104,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	5,7	105,6
Отлар (бош)	6450	100,1
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	911	100,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	5435	100,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	104	100,0
Паррандалар	6710	102,5
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	730	102,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	5235	101,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	745	101,2

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 95,4 фоизни, фермер хўжаликларида эса 3,9 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,8 ва 4,4 фоизни, қўй ва эчкилар 96,0 ва 3,6 фоизни, отлар 84,3 ва 14,1 фоизни, паррандалар 78 ва 10,9 фоизни ташкил этди.


2017 йилнинг январь-июнь ойлари давомида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 67,6 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-июнга нисбатан 106,8 фоизга кўп), 289,9 минг тонна сут (106,1 фоизга кўп), 293,7 млн. дона тухум ишлаб чиқарилди.

2016 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:

	миқдори	ўсиш суръати, %
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	67,6	106,8
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1,7	107,3
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	65,2	106,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,7	100,4
Сут, минг тн.	289,9	106,1
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	11,3	108,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	276	106,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,7	104,1
Тухум, млн. дона	293,7	115,6
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	27,6	123,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	252	115,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	14,1	106,6

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари. 2017 йилнинг январь-июнь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 552,5 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 103 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 21,4 фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 июль ҳолатига фермер хўжаликларида 39,8 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 14,8 минг бош сизир, 50,8 минг бош қўй ва эчкилар, 911 бош от, 730 минг бош паррандалар мавжуд.

2017 йилнинг январь-июнь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	январь-июнь				2016 январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил		2017 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Сабзавот	56124	109,4	60230	11,6	107,3
Мева ва резаворлар	43044	108,0	46952	24,3	109,1
Гўшт, тирик вазнда	1597	107,3	1714	2,5	107,3
Сут	10477	109,3	11320	3,9	108,0
Тухум, минг дона	22330	124,3	27563	9,4	123,4

Инвестициялар ва қурилиш

2017 йилнинг январь-июнь ойлари давомида вилоятнинг асосий капиталини қўпайтиришга 1001,4 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 89,1 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:


	млрд. сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1001,4	89,1	100
шу жумладан			
Марказлашган инвестициялар:	73,8	55,2	7,4
бюджет маблағлари	33,0	82,3	3,3
давлат мақсадли фонд маблағлари	37,8	54,5	3,8
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	-
болалар спортини ривожлантириш	1,4	6,9	0,1
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	1,6	41,0	0,2
Марказлашмаган инвестициялар	927,6	105,3	92,6
корхоналарнинг ўз маблағлари	307,1	173,6	30,7
аҳоли маблағлари	383,3	112,3	38,3
хорижий инвестиция ва кредитлар	54,9	87,3	5,4
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	182,3	60,8	18,2

2017 йилнинг январь-июнь ойларида асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	1001,4	90,8	910,6
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида	100	100	100
қурилиш-монтаж ишлари	60,0	72,7	58,7
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	35,7	23,4	37,0
Бошқа ҳаражатлар	4,3	3,9	4,3

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



- Уй-жой қурилиши
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида
- Ташиш ва сақлашда
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Қурилиш
- Профессионал, илмий ва техник фаолият
- Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йилнинг январь-июнь ойларида умумий майдони 372,0 минг кв.м. бўлган 4157 та (2016 йил январь-июнга нисбатан 109,0 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 272,3 минг кв.м. (110,4 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 359,8 млрд. сўми ёки 35,9 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоотлари қурилишида 22,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 2,2 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 19,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва соғлиқни сақлаш соҳасига киритилган инвестицияларнинг 1,9 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 48,2 км узунликдаги ичимлик суви, 6,8 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-июнга нисбатан мос равишда 176,5 фоизни ва 5,2 мартани ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 42,2 млн.сўм, миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.


Қурилиш фаолияти. 2017 йилнинг январь-июнь ойлари давомида 878,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 106,2 фоизни ташкил қилди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 82,0 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 5,9 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 12,1 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 76,1 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 842,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 95,9 фоизни (2016 йил январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 107,5 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимои қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Транспорт

Юк ташиш. 2017 йилнинг январь-июнь ойлари давомида барча транспорт турлари томонидан 25,3 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,5 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1094,2 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 105,8 фоизга тенг бўлди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-июнь	2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	25,3	107,5
шу жумладан:		
автомобил транспортида	25,3	107,5
Юк айланмаси, млн. тн-км	1094,2	105,8
шу жумладан:		
автомобил транспортида	1094,2	105,8

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-июнга нисбатан 104,3 фоизга кўпайди ва 925,7 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 84,6 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-июнда 85,9 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2017 йил январь-июнь ойлари давомида барча транспорт турлари томонидан 223,4 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,9 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 103,1 фоизга кўпайиб, 2212,4 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-июнь	2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	223,4	101,9
шу жумладан, автомобил транспортида	223,4	101,9
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	2212,4	103,1
шу жумладан, автомобил транспортида	2212,4	103,1

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-июнга нисбатан 104,8 фоизга кўпайди ва 1778,4 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 80,4 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-июнда 79,0 фоиз).

Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йилнинг январь-июнь ойлари давомида вилоятда чакана товар айланмаси 3885,4 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,5 фоизни ташкил қилди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	3885,4	108,5	100
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	1,0	-	0,03
нодавлат мулки	3884,4	108,5	99,97
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	2749,5	109,7	98,24

Йирик савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-июнь ойлари давомида 265,0 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 124,7 ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми 2017 йилнинг январь-июнь ойларида 3620,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,5 фоизни ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-июнь ойларида чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	3885,4	108,5	100
шу жумладан:			
Йирик савдо корхоналари	265,0	124,7	6,8
Кичик тадбиркорлик	3124,1	108,3	80,4
уюлмаган сектор(ташкил этилмаган савдо фаолияти)	496,3	102,9	12,8

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 48,7 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-июнга нисбатан 117,2 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумий овқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 106,6 фоизга ошди ва 1307,2 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь- июнь ойларида 1098,1минг сўмни ташкил этган).

2017 йилнинг январь-июнь ойлари давомида **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 2899,4 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 760,9 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 26,2 фоизини ташкил қилди. 2016 йил январь-июнга нисбатан ўсиш 111,5 фоизни ташкил этди.


Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-июнь ойлари қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	2899,4	111,5	100
Шу жумладан хизмат турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	195,7	112,0	6,8
молиявий хизматлар	354,1	136,3	12,2
транспорт хизмати	507,1	106,1	17,5
шу жумладан автотранспорт хизматлари	483,4	105,5	16,7
яшаш ва овқатланиш хизматлари	44,2	107,5	1,5
савдо хизматлари	1062,4	107,6	36,6
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	112,2	109,8	3,9
таълим соҳасидаги хизматлар	144,6	113,9	5,0
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	41,5	111,7	1,4
ижара ва прокат хизматлари	79,7	109,4	2,7
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	98,8	106,8	3,4
бошқа шахсий хизматлар	166,1	109,4	5,7
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	17,7	111,5	0,6
бошқа турдаги хизматлар	75,4	114,1	2,6

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 36,6 фоизи), транспорт (17,5 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (136,3 фоиз), транспорт хизматлари (106,1 фоиз), соғлиқни сақлаш (111,7 фоиз) ва бошқа турдаги хизматларида (114,1 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

2017 йилнинг январь-июнь ойлари давомида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:



Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил 1 июль ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2981,9 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 19,4 минг кишига ёки 0,7 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнь ойлари қуйидагича ифодаланади:

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2016й.	2017й. ¹⁾	ўсиш, камайиш (-)	2016й.	2017й. ¹⁾
Туғилганлар	28889	28547	-342	19,9	19,4
Ўлганлар	7256	8080	824	5,0	5,5
шу жумладан бир ёшгача болалар	454	518	64	13,6	15,4
1000 туғилган болаларга нисбатан					
Табиий ўсиш	21633	20467	-1166	14,9	13,9
Никоҳлар	7458	7728	270	5,1	5,2
Ажралишлар	1475	1633	158	1,0	1,1

Туғилиш даражаси. 2017 йилнинг январь-июнь ойларида туғилганлар сони 28547 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (28889 киши) нисбатан 342 тага камайди. Туғилиш коэффиценти мос равишда 19,4 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (19,9 промилле) нисбатан 0,5 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг нисбатан кўпроқ камайиши вилоятнинг Қўрғонтепа (19,6 дан 17,8 промиллега), Андижон (21,7 дан 20,3 промиллега), Асака (20,7 дан 19,4 промиллега), Избоскан (21,2 дан 19,9 промиллега), Пахтаобод (21,3 дан 20,2 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-июнь ойларида ўлганлар сони 8080 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (7256 киши) нисбатан 824 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффиценти 5,5 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-июнда 5,0 промилле).

Ўлим кўрсаткичининг 2016 йил январь-июнга даврига нисбатан кўпайиши мазкур даврда Хонобод шаҳри (3,0 дан 4,9 промиллега), Избоскан (5,3 дан 6,2 промиллега), Булоқбоши (4,6 дан 5,3 промиллега), Улуғнор (3,8 дан 4,5 промиллега) туманларида кузатилди, ўлим даражасининг 2016 йилнинг январь-июнь даврига нисбатан камайиши вилоятнинг ҳеч қайси туман ва шаҳарларида кузатилмади.

¹⁾ дастлабки маълумот

Ўлганлар умумий сонидан қон айланиш системаси касалликларидан 5253 та (65,0 фоизи), бахтсиз ҳодисалардан: 342 та (4,2 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан: 325 та (4,0 фоизи), ҳазм қилиш органлари касалликларидан 426 та (5,3 фоизи), ўсмалардан 600 та (7,4 фоизи) ва юқумли касалликлардан 134 та (1,7 фоизи) бошқа касалликлардан: 1000 та (12,4 фоизи) вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июнь ойларида бир ёшга тўлмаган 518 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффиценти 15,4 промиллени ташкил қилди (2016 йилнинг январь-июнда 13,6 промилле).

Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан: перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан 301 та (58,1 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 105 та (20,3 фоизи), туғма аномалия ва ривожланишдаги нуқсонлардан 64 та (12,4 фоизи), қолган касалликлардан 48 та (9,2 фоизи) вафот этган.


Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-июнь ойлари давомида ФХДЁ органларида 7728 та никоҳлар ва 7458 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,2 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида 5,1 та) ва 1,1 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида 1,0 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 3311 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 4361 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 1050 кишига (2016 йилнинг шу даврида минус 784 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Андижон шаҳар (минус 334), Шаҳрихон (минус 291), Балиқчи (минус 170) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнь ойлари қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига



Мехнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-июнга нисбатан 0,7 фоизга кўпайиб, 1718,9 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,8 фоизини ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-июнь ойлари давомида бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 11 735 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Қўрғонтепа (1480 киши), Олтинкўл (1097 киши), Мархамат (1037 киши) туманлари, Андижон шаҳри (1026 киши), Жалақудук (990 киши) ва Пахтаобод (891 киши) туманларида бошқаларига нисбатан кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 10268 нафари ёки 87.5% ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Олтинкўл тумани (1076 киши, 98,1%), Андижон шаҳри (992 киши, 96,7%), Бўз (434 киши, 95,6%), Қўрғонтепа (1381 киши, 93,3%), Булоқбоши (401 киши, 93,0%) ва Улуғнор (185 киши, 93,0%) туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 949 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

